«ТАСДИҚЛАНГАН»
«O'ZSUVLOYIHA» АЖ
акциядорлари умумий йиғилишининг
2016 йил «21» июндаги қарори билан
(2016 йил «21» июндаги рақамсиз
баённома)
Йиғилиш раиси



_____ Мухиддинов У.Н.

«O'ZSUVLOYIHA» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ҲИСОБОТЛАРИГА ДОИР ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Тошкент ш.– 2016

I. Умумий қоидалар

II. Жамият бошқарув ва назорат органлари маълумотининг (ҳисоботи) шакл ва мазмуни.

1-§. Ижроия органининг ҳисоботи

2-§. Кузатув кенгашининг ҳисоботи

3-§. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи

III. Якунловчи қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «O'ZSUVLOYIHA» акциядорлик жамиятининг бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига доир талаблар тўғрисидаги мазкур Низом (кейинги ўринларда – Низом деб аталади), Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия мажлисининг 31.12.2015 йил 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси, «O'ZSUVLOYIHA» Акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда Жамият деб аталади) Устави ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисоб берувчи Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларининг маълумотларининг (ҳисоботларининг) шакли ва мазмунига доир талабларни белгилайди.

3.Низом Жамиятнинг акциядорларига бошқарув ва назорат органларининг ҳисоботларини тақдим этиш механизмини татбиқ қилиш ва Жамият фаолиятини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

4. Мазкур Низомнинг талаблари Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига (Кузатув кенгаши, Ижроия органи, Тафтиш комиссияси) қўлланилади.

II. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЪЛУМОТИНИНГ (ҲИСОБОТИНИНГ) ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ.

1-§. Ижроия органининг ҳисоботи
2-§. Кузатув кенгашининг ҳисоботи
3-§. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи

1-§. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ҲИСОБОТИ

5. Ижроия органи Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида Кузатув кенгаши олдида ҳар чоракда ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳар йили ҳисоб беради.

6. Ижроия органининг ҳар чоракдаги ҳисоботи ҳисобот даври якунлари бўйича қуйидаги ахборотларни ташкил қилади:

Жамиятнинг жорий ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида;

-молия-хўжалик фаолияти, бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши, шу жумладан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари;

- акциядорларнинг умумий сони;

- йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тузилган битимлар;

- капитал ва айланма маблағларнинг миқдори ва таркиби,

- Жамиятнинг молиявий қўйилмалари (маблағлари);

- дебитор қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумот;

- ҳисобот ва ўтган давр якунлари бўйича қимматли қоғозлар бўйича даромадни тўлаш билан боғлиқ мавжуд қарздорлик;

-“Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом”, “Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом”, “Ички назорат тўғрисидаги Низом”, “Манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги Низом” талабларининг бажарилиши тўғрисида;

- бўш штат бирликларини малакавий кадрлар билан тўлдириш, шунингдек Жамият ходимларининг малакасини ошириш бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида.

7. Жамият ижроия органининг ҳисоботи ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тингланади ва Жамият тўғрисидаги қуйидаги ахборотларни ўз ичига олади:

1) Жамиятнинг ижроия органи раҳбарининг мурожаатномаси;
2) жорий ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолият тўғрисидаги ахборот;
3) ҳудудий сиёсат;
4) кадрлар сиёсати;
5) ижтимоий сиёсат;
6) Жамият фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар;
7) Жамият фаолиятининг устувор йўналишлари.

8. Ижроия органи раҳбарининг мурожаатномаси Жамиятни ташкил қилиш ва ривожлантириш, жорий ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти, Жамиятнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясига эришиш чоралари, Жамиятнинг ютуқлари ва устувор йўналишлари тўғрисидаги қисқа маълумотларни ўз ичига олади.

9. Жорий ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборот қуйидаги ахборотларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш фаолияти;

-молия-хўжалик фаолияти, бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши, шу жумладан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари;

- йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тузилган битимлар;

- капитал ва айланма маблағларнинг миқдори ва таркиби,

- Жамиятнинг молиявий қўйилмалари;

- дебитор қарздорлик тўғрисидаги маълумот;

-ҳисобот йилида қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган даромадларнинг ҳажми, шу жумладан ҳар бир қимматли қоғоз бўйича сўмда битта қимматли қоғоз учун ва битта қимматли қоғоз номинал қийматига фоизларда;

- ҳисобот йилида қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисида асосий маълумотлар;

- ҳисобот ва ўтган давр натижалари бўйича қимматли қоғозлар бўйича даромадни тўлаш бўйича мавжуд қарздорлик;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши шарт бўлган, унинг ваколат доирасига кирувчи масалалар бўйича тасдиқланган ички норматив ҳужжатлар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар тўғрисида;

- аудиторлик текширувининг натижаси ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси тўғрисида;

- илмий-техник ривожланиш соҳасида, лицензия ва патентлар, янги ишланмалар ва тадқиқотлар бўйича эмитентнинг сиёсати ва ҳаражатлари тўғрисида;

- эмитентнинг кредит рейтинги тўғрисида;

10. Ҳудудий сиёсат тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- филиаллар билан ишлаш тўғрисида;

- шўъба хўжалик жамиятлари билан ишлаш тўғрисида;

- бошқа таркибий бўлинмалар билан ишлаш тўғрисида.

11. Кадрлар сиёсати тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бўш штат бирликларини малакавий кадрлар билан тўлдириш;

- Жамият ходимларининг малакасини ошириш бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида;

- қонун ҳужжатларида мувофиқ Жамият ходимларига қўлланилган интизомий чоралар, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш тўғрисида;

- Жамият ходимларини рағбатлантириш бўйича чоралар тўғрисида.

12. Корпоратив бошқарув бўйича ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қонун ҳужжатлари талаблари ва корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига мувофиқ ахборотни ошкор қилиш;

- Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки ижроия органи таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида;

- “Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом”, “Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом”, “Ички назорат тўғрисидаги Низом”, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги Низом” талабларининг бажарилиши тўғрисида;

- акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва дивиденд тўлаш бўйича ҳуқуқларига риоя этилиши тўғрисида;

- ҳисобот йилида Жамият фаолиятидаги асосий корпоратив ҳодисалар, муҳим фактлар тўғрисида;

- бошқарув ва назорат органларининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида;

13. Ижтимоий сиёсат тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Жамият ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватланишини амалга ошириш бўйича чоралар тўғрисида;

- ўтказилган хайрия тадбирлари тўғрисида.

14.Жамият фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

-асосий фаолият соҳасидаги ривожланиш истиқболларининг таҳлили;

-унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

-мехнат ишлаб чиқарилишининг ва маҳсулот рақобатбардошлигининг ошиши;

-ишлаб чиқариш, экспорт ва энергия самарадорлиги кўрсаткичларининг ўсиши;

-ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланишини амалга ошириш ва натижада акциялар нархининг ошиши;

- хорижий тажрибада муваффақиятли апробация қилинган бошқарув усулларини, шу жумладан SWOT, GAP, таҳлил ва бошқа ёндашишлар, махсус дастурий маҳсулотларни кўллаш бўйича;

-Жамиятда қабул қилинган ҳар бир ривожланиш режаларида белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга оширишга йўл қўювчи зарур миқдор ва сифат меъзонларини татбиқ қилиш бўйича.

15.Жамиятнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- акциядорлик жамиятининг соҳага оид хусусияти, рақобат муҳитининг таҳлили, экспортга йўналтиришни таъминлаш ва тегишли тармоқ, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларини амалга оширишдан келиб чиқиб 5 йилдан ошиқ муддатга узоқмуддатли стратегияси асосида ишлаб чиқилган устувор йўналишлар тўғрисида маълумот.

16. Ижроия органининг ҳисоботи асосида “Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва чоп этиш Тартиби” (31.07.2012 й. 2383-сонли рўйхатга олинган) талабларига мувофиқ шакл бўйича Жамиятнинг йиллик ҳисоботи тайёрланади.

17.Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади ва Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг ўтказилиш санасига қадар 10 кундан кечиктирмай дастлабки тасдиқланади.

18.Йиллик ҳисобот акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан сўнг рақамланади, тикилади ва Жамиятда сақланади.

2-§. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҲИСОБОТИ

19.Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига ҳар йили Жамиятни бошқариш ва корпоратив қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши тўғрисида ҳисобот тақдим қилади.

20. Кузатув кенгашининг ҳисоботи қуйидагилар йўналишларни ўз ичига олади:

1) бошқарув ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида;

2) Кузатув кенгаши қўмиталари билан ишлаш тўғрисида;

3) ички назорат тўғрисида;

4) Жамиятнинг корпоратив бошқарувини яхшилаш бўйича таклифлар;

5) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш.

21. Бошқарув ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бошқарув ва назорат органларининг иш режаларини ишлаб чиқилиши тўғрисида;

- Жамиятнинг стратегиясини ижроси бўйича назорат тўғрисида;

-Жамият томонидан Корпоратив кодекс нормаларига риоя қилинаётганлиги, шу жумладан Кодеккс тавсияларига асосан ишлаб чиқилган “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги, “Мафаатлар тўқнашувида харакат қилиш тўғрисида”ги Низомлар ва бошқа ички ҳужжатларга;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмаси қонунчилик талабларига мувофиқлиги бўйича мунтазам равишда мувофиқлаштирилаёганлиги тўғрисида;

- Жамиятнинг раҳбар лавозимларига танлов ўтказиш регламентига мувофиқ ҳорижий менежерларини иштирок этиш имкониятини ҳисобга олиб ҳар йилги ўтказилган танловлар тўғрисида;

- молиявий ҳисоботларни МҲҲСга мувофиқ чоп қилинишига ўтишни таъминлашни мувофиқлаштириш тўғрисида;

- бошқарув органи аъзоларини малакасини оширилиши тўғрисида;

22. Кузатув кенгаши қўмитасининг ишлари тўғрисидаги ахборот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

-Жамият Кузатув кенгаши қошидаги тегишли масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳ)нинг фаолияти тўғрисида;

-уларнинг йиғилишининг даврийлиги ва улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг натижалари тўғрисида.

23. Ички назорат тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

-Жамиятнинг йиллик бизнес режасининг, шу жумладан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисида ижроия органининг ҳисоботлари тўғрисида ахборот;

- Ички аудит хизматининг фаолияти тўғрисидаги ахборот, шу жумладан унинг ходимларини тайинлаш (аттестациядан ўтказиш), шунингдек ҳисоботларни ҳар чоракда тинглаш;

- корпоратив маслаҳатчининг фаолияти тўғрисида ахборот;

- назорат органлари аъзоларининг малакасини ошириш тўғрисида;

-Жамиятда йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимларнинг мавжудлиги, йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида Жамият тафтиш комиссиясининг хулосаларини кўриб чиқиш тўғрисида;

- аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматлари тўлов миқдорининг чегараларини белгилаш тўғрисида;

-Жамиятдаги ички назоратнинг аҳволи тўғрисида аудиторлик ташкилотининг хулосаси;

-“Ички назорат тўғрисидаги Низом” талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ахборот.

24. Жамият фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги ахборот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- асосий фаолият соҳасида ривожланиш истиқболларининг таҳлили;

-унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

-мехнат ишлаб чиқарилишининг ва маҳсулот рақобатбардошлигининг ошиши;

-ишлаб чиқариш, экспорт ва энергия самарадорлиги кўрсаткичларининг ўсиши;

-ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланишини амалга ошириш, ва натижада акциялар нархининг ошиши;

- хорижий тажрибада муваффақиятли апробация қилинган бошқарув усулларини, шу жумладан SWOT, GAP, таҳлил ва бошқа ёндашишлар, махсус дастурий маҳсулотларни кўллаш бўйича;

-Жамиятда қабул қилинган ҳар бир ривожланиш режаларида белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга оширишга йўл қўювчи зарур миқдор ва сифат меъзонларини татбиқ қилиш бўйича.

25.Жамиятнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

-соҳага оид хусусият, рақобат муҳитининг таҳлили, экспортга йўналтиришни таъминлаш ва тегишли тармоқ, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларини амалга оширишдан келиб чиқиб 5 йилдан ошиқ муддатга акциядорлик жамиятини узоқ муддатли стратегияси асосида ишлаб чиқилган устувор йўналишлар тўғрисида маълумот.

3-§. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТИ

26. Жамиятнинг тафтиш комиссияси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар 10 кундан кечиктирмай Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботни тақдим этади.

27. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

а) ҳисоботлар ва жамиятнинг бошқа молиявий ҳужжатлардаги акс этган маълумотларнинг тўғрилигини баҳолаш, шу жумладан қуйидаги натижалар:

Жамиятнинг молиявий ҳужжатларини текшириш, мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш, мазкур ҳужжатларнинг бирламчи бухгалтерлик ҳисоби маълумотларига мувофиқлиги;

Бухгалтерлик ва статистик ҳисоб юритишнинг мавжуд меъёрий низомларга мувофиқлиги таҳлили;

Жамият балансининг, солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органларига ҳисобот ҳужжатлари юритилишининг тўғрилигини текшириш;

Жамият номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобнинг қонунийлигини текшириш;

Молия-хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган норматив ва қоидаларнинг риоя қилинишини текшириш;

б) Жамиятнинг молиявий аҳволи, унинг тўлов қобилияти, активларининг ликвидлилиги, шахсий ва қарз маблағларининг ўзаро нисбатини таҳлил қилиш;

в) маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар томонидан тўловларни бюджетга ўтказишнинг, дивиденд бўйича, облигациялар бўйича фоизларни ҳисоблаш ва тўлашнинг, бошқа мажбуриятлар бўйича тўловларнинг ўз вақтидалиги ва тўғрилиги;

г) Жамиятнинг бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилиги, уларнинг Жамият Уставига ва амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрларига мувофиқлиги;

д) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим қилиш тартибининг, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларининг бузилиш фактлари тўғрисида ахборот.

28. Тафтиш комиссиясининг хулосаси (ҳисоботи)да жамиятда аффилланган шахслар билан ва йирик битимларнинг мавжудлиги, шунингдек ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг йиғилишига киритилган мазкур битимларни амалга оширишга доир қонун ҳужжатлари ва жамият ички ҳужжатларининг талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

29. Тафтиш комиссиясининг хулосаси (ҳисоботи)га қуйидаги таклифлар ва тавсиялар киритилиши шарт:

а)текширув натижасида аниқланган камчиликлар ва бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботни тақдим қилиш тартибининг бузилишини бартараф этиш бўйича;

б)молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш вақтида қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган айбдор шахслар бўйича чоралар қўллаш тўғрисида;

в) Жамиятнинг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш бўйича;

г) қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Уставига, бошқа ички ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

III. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

30.Акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур Низом ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган бошқарув ва назорат органларининг бошқа ҳисоботлари ҳам кўрилади.

31.Жамият бошқарув ва назорат органларининг бошқа ҳисоботларига қуйидагилар киради:

а) Жамият ижроия органининг таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботлари;

б)Жамият Кузатув кенгаши қошида ташкил этилган қўмита раисларининг ҳисоботлари;

в) Жамият ички аудит хизматининг ҳисоботлари;

г) Жамият ташқи аудиторининг ҳисоботлари;

д) миноритар акциядорлар қўмитаси раисининг ҳисоботлари.

32.Мазкур Низом, шунингдек унга ўзгартиш ва қўшимчалар Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан таслиқланади.

33. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Жамият аудитори, Жамият тафтиш комиссияси, Жамият ижроия органининг таклифи бўйича киритилади.

34.Агар қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар натижасида мазкур Низомнинг алоҳида моддалари уларга зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Низомга ўзгартиришлар киритилгунга қадар Жамият Ўзбекистон Ресрубликасининг қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

«O'ZSUVLOYIHA» АЖ

Бош директори **М.Наджимов**